

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 35 (1361), 2025 йил 19 февраль, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ТАРИХИЙ ТАШРИФ ИККИ ВА КЎП ТОМОНЛАМА ФОРМАТДАГИ АЛОҚАЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайт Давлати Амири Шайх Мишғал ас-Сабоҳнинг таклифига биноан 17-18 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Кейинги йилларда Ўзбекистон янги-ланган ташқи сиёсий концепцияси доирасида мамлакат анъанавий шериклари билан ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш билан бир қаторда ўз ҳамкорлари сафини кенгайтириш йўлидан бормоқда.

Мазкур тенденция, айниқса, Ўзбекистоннинг Кўрғаз араб давлатлари билан алоқаларни янги bosqichga олиб чиққанида яққол акс этади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу минтақа давлатлари билан муносабатлар ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама форматларда ривожланимоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 18 февраль кун Ал-Кувайт шаҳрига ташриф доирасида ушбу мамлакат Валиаҳди Шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги дўстлик ва кенг қамровли шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Валиаҳдга самимий қабул ва алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Кўни кеча бўлиб ўтган олий даражадаги тарихий музокаралар, ҳукумат аъзолари ва етакчи компаниялар билан сермаҳсул учрашувлар кўп қиррали Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиши таъкидланди.

Олий ва юқори даражада яқин мулоқот ва алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди. Инвестицияларни жалб қилиш учун платформани тез фурсатда ишга тушириш, агросаноат мажмуи, транспорт ва логистика, соғлиқни сақлаш, таълим, фармацевтика, инфратузилма ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олинди.

“Марказий Оснэ — Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқоти доирасидаги ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қабул қилинган барча қарор ва келишувлар ижроси устидан биргаликда назорат ўрнатиш масаласи келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи куниде Ал-Кувайт шаҳрида Амир Шайх Мишғал ас-Сабоҳ билан тарихий музокара, шунингдек, ушбу мамлакат ҳукуматининг аъзолари, етакчи компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан самарали учрашувлар ўтказди.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинди, шунингдек, ҳамкорликнинг турли йўналишлари, жумладан, иқтисодий соҳада 4,9 миллиард долларлик салмоқли келишувлар тўплами имзоланди.

Давлатимиз раҳбари маданий дастур доирасида “Ас-Салом” сарой-музейининг Кувайт халқи маданияти ва тарихини акс эттирувчи экспозицияларини кўздан кечирди.

Ташриф тadbirlari якунланган, Ал-Кувайт халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Валиаҳд Шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ ва бошқа расмийлар кузатиб қўйди.

ЎЗА

АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 февраль кун Кувайтдан Тошкентга қайтгач, шаҳарсозлик соҳасидаги халқаро тadbirlarda иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси, таниқли сиёсатчи, Туркия Республикасининг собиқ Бош вазири Бинали Йилдиримни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг салони ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Кўп қиррали ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва илгари суришда Оқсоқоллар кенгашининг роли ва фаол иштироки ортиб бораётганини ҳисобга олиб, ташкилот доирасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари якунида қабул қилинган дастур ва ташаббусларни амалга ошириш мақсадида амалий шерикликни кенгайтириш ва алоқаларни фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди.

ТДТ доирасидаги бўлажак тadbirlarga тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Оқсоқоллар кенгаши Туркий давлатлар ташкилоти

хузуридаги доимий маслаҳат органи ҳисобланади.

Туркий дунё шаҳарсозлик конгресси 2002 йилда Анқара шаҳрида ташкил этилган Муҳандис ва мейморлар уюшмаси томонидан ўтказилди. Уюшма фаолиятида Самарқанд ва Навоий шаҳарлари ҳокимликлари фаол иштирок этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

КЕНГ КЎЛАМЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ САММИТИ ҲАҚИДА

Биз ва дунё

17-18 февраль кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кувайтга илк расмий ташриф бўлиб ўтди. Кувайтда ўтган олий даражадаги тарихий музокаралар, ҳукумат аъзолари ва етакчи компаниялар билан ўтказилган самарали учрашувлар Ўзбекистон — Кувайт ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистон — Кувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнотнинг қабул қилиниши ташрифнинг муҳим натижаси бўлди. Шу билан бирга, олий ва юқори даражадаги яқин алоқалар ва алмашинувларни давом эттириш, Инвестицияларни жалб этиш платформасини тезроқ ишга тушириш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, таълим, фармацевтика, инфратузилма ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Давоми 2-бетда

ЁШЛАРДА КАТТА САЛОҲИЯТ БОР

Буюк ўзбек йўли

Бугунги ёшларга берилётган имкониятларни кўриб кўнглимдан шоирнинг машҳур мисраси ўтди: “Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!”. Бизнинг давримизда бундай эътибор қаерда эди, дейсиз.



Давоми 3-бетда

Шарҳ

Илгари бирор юртдошимизнинг орзу-ниятларини қизиқиб сўрасангиз, аксарияти “Бир ўзбекка нима керак, чумчуқнинг инидай уйим бўлса, пул йиғиб фарзандларимга тўй-тантана қилсам, яна бир-икки сўм орттира олсам, машина бўлса ҳам ёмон бўлмасди”, дея жавоб қайтарарди.

АСЛ ҚУРУВЧИЛАР ИШЛАЙДИ, ФИРИБГАРЛАР СОҲАНИ ТАРК ЭТАДИ

Қадимда барча замонларнинг илм машгаллари — Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларни етиштириб чиқарган миллат ўзининг кичик ташвишларига ўралашиб қолганди. Мамлакатда аслида орзу ҳам деб бўлмайдиган, ҳар бир инсоннинг бирламчи, маънавий эҳтиёжига етишиш учун кишиларнинг умри етмасди базиди.

Чунки биргина уй сотиб олмақчи бўлсангиз, бир қанча муаммоларга дуч келардингиз.

Мисол учун, пойтахтдан бири хонали уй олишни истасангиз, аввало, “прописка” масаласи сизга тўсиқ бўларди. Уни ҳал қилган тақдирингизда эса нарх қийнардди. Тишингиз орасига йиғиб қўйган маблагингиз бордир ҳам дейлик, аммо кўнглингизга ёқадиган янги, замонавий, шинам уй топишингиз ўзи амримаҳол эди.

Бугун биз учун бу эски муаммо бирламчи эмас. Боиси, Президентимизнинг илк ислохотларидан бири айнан шу — уй-жой

қуриш, уни сотиш ва сотиб олиш тизимини ўзгартириш бўлди.

Биринчи навбатда, “прописка” муаммоси ҳал этилди. Сўнг эса кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, пойтахтимиз, вилоятлардаги шаҳар-туман марказларида замонавий, қўлай кўп қаватли уйлاردан иборат, ўзига хос инфратузилмасига эга кичик шаҳарчалар, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилди.

Давоми 4-бетда

Нуқтаи назар

МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАШ ФУРСАТИ

Бевосита баркамол авлод вакиллари билан ишлаганим боис, давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотини катта қизиқиш билан кузатдим. Чунки мулоқот чоғида Президентимиз томонидан уларни қўллаб-қувватлашга, ўқиб, ҳунар эгаллашига, умуман, жамиятда ўз ўрнини топиб олишига оид кўплаб таклифлар, ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг ижроси бўйича аниқ масъуллар белгилаб берилди.

Давоми 5-бетда

КЕНГ КЎЛАМЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ УЧУН МУСТАҲҚАМ ЗАМИН

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН – КУВАЙТ САММИТИ ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда

Халқаро экспертлар таъкидлашчи, маъруз ташриф натижалари ҳам икки томонлама форматда, ҳам Марказий Осиё давлатлари ва Кўрфаз араб мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Жан-Антуан ДНОПРА, Европада прогноزلанган ва хавфсизлик институтини эксперти (Франция):

— Ташриф Ўзбекистон раҳбариятининг ташқи сиёсат стратегияси ва узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсатининг мантиқий давоми бўлиб, унинг изчиллиги, кўлами ва прагматизми билан чуқур ҳайрат уйғотади. Ўзбекистон ва Кувайтнинг нафақат ўзаро манфаатлар, балки муштарак дин, яқин маънавий қадриятлар ва маданий анъаналарга асосланган дўстона ришталар ҳам боғлаб туради.

БАА, Малайзия ва Кувайтга амалга оширилган бир қатор олий даражадаги ташрифлар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини ривожлантиришга кенг қамровли ва кўп векторли ёндашуви аниқ эътиборда. Бу, шунингдек, расмий Тошкентнинг ички саноатини мустаҳкамлашдан тортиб, Осиё ва араб ўзаро шериклигини кенгайтиришга бўлган ташқи сиёсатининг барқарорлиги ва узоқни кўра билишидан далолат беради.

Ўзбекистон Президентининг Кувайтга ташрифи дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини чуқурлаштириш, айниқса, савдо, инновациялар, инвестиция ва молия, “яшил” энергетика, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика, инфратузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда янги қўшма ташаббусларни бошлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Кўрфаз араб давлатлари билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш нафақат унинг халқаро ролини кучайтиришга, балки ислом оламидаги таъсирини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Кувайтга ташрифи чоғида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш, иқтисодий ва гуманитар

алоқаларни кенгайтириш учун қўшимча омил бўлиб, шерикликни янада янги, юксак босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Соҳайми бин ШАҲАДАН, АСЕАН Савдо-саноат палатаси президенти, Малайзия — Ўзбекистон бизнес альянси бош қотиби:

— Ўзбекистон Президентининг Кувайтга расмий ташрифи икки томонлама дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Маъруз воқеа Ўзбекистоннинг араб давлатлари билан алоқаларини чуқурлаштиришга интилишдан далолат. Бу, айниқса, инвестициявий ва иқтисодий таъсир учун глобал рақобат кучаяётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга.

Савдо, инвестиция, инновациялар, молия, “яшил” энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, шаҳарсозлик ва соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги музокараларда муҳокама қилинган асосий масалалар ҳамкорликнинг кенг ва кўп қиррали эканлигини кўрсатади.

Барқарор ва экологик тоза технологияларга ўтишни глобал тенденцияларига мос келадиган “яшил” энергияга қаратилган эътибор жуда муҳим.

Кувайт етакчи молиявий марказларидан бири сифатида Ўзбекистон учун, айниқса, инвестиция жалб этиш ва инфратузилма ни модернизация қилиш борасида муҳим ҳамкор ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажмининг ошиши билан ушбу даражадаги ҳамкорлик аллақачон ижобий динамикани кўрсатаётгани ва

имтиёзли савдо бўйича муҳокама қилинган кейинги ўсишни рағбатлантириши аниқ.

Ташриф маданий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади деб ўйлайман. Бу Ўзбекистоннинг халқаро жараёнларга янада чуқурроқ интеграциялашувида муҳим аҳамиятга эга. Минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсат бўйича муҳокама Марказий Осиё ва Яқин Шарқда барқарорликни таъминлашга таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман олганда, ташриф Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги узоқ муддатли ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларнинг бошланғич нуқтаси бўлиб, ҳамкорликни яқин йилларда янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини тасдиқлади.

Шерадил БАКТИГҲУЛОВ, Қирғизистон Президенти ҳузуридаги стратегик тадқиқотлар миллий институти илмий ходими:

— Кувайт қадимий тарихга, бой маданиятга, замонавий банк-молия тизимига, нефть қазиб олиш ва қайта ишлашни бошқаришнинг самарали механизмига эга мамлакат.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистон ҳам, Кувайт ҳам замонамизнинг кенг кўламли масалалари бўйича мутаносиб ва конструктив позицияси туфайли ислом оламида, Марказий ва Ғарбий Осиё минтақаларида ўзига хос ўрин тутди.

Иқтисодиёт, савдо, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳам икки томонлама алоқалар мустаҳкамлашиб бормоқда. Масалан, 2024 йилда

биринчи марта Ўзбекистондан Кувайтга 20 тонна янги сабзавот ва мева етказиб берилди.

2000 йилдан буён Ўзбекистонда умумий қиймати 210 миллион доллардан ортиқ лойиҳалар бажарилди. 640 миллион долларлик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Кувайт қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ГЭС қуради ва Ўзбекистоннинг беш вилоятини ичимлик сув билан таъминлайди.

Икки давлат ҳам ислом меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ва оммалаштиришга катта аҳамият беришти. Халқларнинг бой анъаналари, санъати ва адабиётининг ҳикоя қилувчи қўшма фестиваллар, анжуманлар, кўргазмалар мунтазам ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Бу каби алоқаларнинг изчил ривожланиши замирида Кувайт ва Кувайт етакчилари ўртасидаги шахсий илқ ва дўстона муносабатлар мужассам.

Хан ХУА, Пекин халқаро мулоқот клуби ҳаммуассиси ва бош қотиби, “Бир макон, бир йўл” Пекин ҳамжамияти кенгаши директори:

— Ташриф икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон — Кувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнотнинг қабул қилиниши икки мамлакатнинг иқтисодиёт, инвестиция ва маданий алмашинув соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга содиқлигини таъкидлайди. Хукуматлараро ҳужжатлар имзоланиши энергетика, логистика ва қишлоқ хўжалиги каби муҳим тармоқларга ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса Ўзбекистон экспорти учун янги имкониятлар очини ва Кувайт сармояларини жалб қилиши мумкин. Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатларининг иқтисодий алоқаларини диверсификация қилишнинг глобал тенденцияларига мос келадиган узоқ муддатли стратегик ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамиятга эга.

Бундай дипломатик ёндашув дунё тартибининг ўсиб бораётган кўп қутблилигини акс эттиради, шунингдек, мамлакатлар тараққиётга интилаётганини намояндаларига кўрсатади. Хитой ўзининг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси орқали Марказий Осиёга муҳим йўлак сифатида қарайди. Ўзбекистоннинг фаол дипломатияси Хитойнинг минтақавий стратегиясини тўлдирди, уч томонлама ҳамкорлик учун синергия яратди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг Кувайт билан ҳамкорлигини ривожлантириши Хитойнинг Кувайт билан иқтисодий алоқалар ва Марказий Осиёдаги стратегик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар икки минтақага сармоа киритиш учун ўз эшикларини янада кенгроқ очини мумкин.

Ташриф, шунингдек, Кўрфаз араб давлатлари ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиётганини кўрсатди. Хитой эса бу жараённи катта қизиқиш билан кузатмоқда.

Ҳикмет ЭРЕН, “EkoAvrasya” Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси бошқаруви раиси (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги ташқи сиёсат курси Ўзбекистоннинг араб давлатлари билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқди ва араб дунёси билан алоқаларни жадал ривожлантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон раҳбарининг Кувайтга ташрифи расмий Тошкентнинг Кўрфаз араб давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган сазъ-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Томонлар давлатларнинг фойдаланилмаган юксак салоҳиятини инобатга олиб, амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар.

Олий даражадаги музокаралар натижасида қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгаши каби механизмларни яратиш, шунингдек, Ал-Кувайт шаҳрида савдо уйини очини бўйича келишувга эришилди.

Янги ҳамкорлик дастури Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан лойиҳалар портфелини кўпайтириш икки

томонлама инвестициявий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун кучли рағбат бўлиши шубҳасиз.

Ишонманки, давлатингиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммити Ўзбекистоннинг Кувайт ва Кўрфазнинг бошқа мамлакатлари билан ҳар томонлама шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Гўзель МАЙТДИНОВА, Геоисёсий тадқиқотлар маркази директори, Россия — Тожикистон (славян) университетининг профессори, тарих фанлари доктори:

— Кувайтнинг иқтисодиёт, молия, банк иши, инвестиция сиёсати, инновациялар, таълим ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича тажрибаси Марказий Осиё давлатлари учун катта қизиқиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон етакчилигининг Кувайтга расмий ташрифи бугунги геоисёсий нотинчлик шароитида ислом оламида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган яна бир муҳим миссиядир.

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети Иجتимой тадқиқотлар институти юридик факультети профессори (Испания):

— Ташриф мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Диний ва маданий анъаналарга асосланган дўстона алоқалар ва умумий қадриятлар Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Сунгги йилларда икки томонлама муносабатлар фаоллашганини, жумладан, иқтисодиёт, инвестиция, таълим ва маданият соҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятларни қайд этишни истардим. Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг сезиларли ўсиши, шунингдек, Кувайт компаниялари ва инвесторларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларда фаол иштирок этаётгани муҳим жиҳатдир. Ташриф давомида эришилган келишувлар инновациялар, инфратузилма ва барқарор ривожланиш соҳаларида янги имкониятларнинг қалити бўлиши мумкин.

Гуманитар алоқаларни, жумладан, маданий алмашинувни ривожлантириш, ислом меросини ўрганиш ва илмий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш ҳам бирдек зарур. Бу соҳалардаги ҳамкорлик ўзаро англашувни мустаҳкамлашга ёрдам беради ва маданий-маърифий лойиҳалар учун янги уфқларни очди.

Умуман олганда, ташриф икки томонлама муносабатлар ривожидида муҳим воқеа бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Кувайт, балки бутун минтақа учун манфаатли бўлган кўплаб янги лойиҳаларни амалга оширишга замин яратди. Ишончим комилки, ушбу ташриф икки томонлама шерикликни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қўшимча туртки беради.

“Дунё” АА



Козимжон ТОҶИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Кувайт — Форс кўрфазини минтақасида барқарор сиёсий тизимни, кучли иқтисодиётини ва ривожланган иجتимой инфратузилмаси билан ажралаб турадиган мамлакат. Ушбу давлат минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бугун икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Кувайт билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун қатор муҳим стратегик афзалликларга эга. Айниқса, геоисёсий ва геополитик мураккаблик кузатилаётган бир даврда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилаётгани жуда муҳим.

2021 йил 16 июль кунин Президентимиз Кувайтнинг юқори даражадаги халқаро конференция ишида қатнашаётган ташқи ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича давлат вазири шайх

ЎЗБЕКИСТОН – КУВАЙТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аҳмад Носир ал-Муҳаммад ас-Сабоҳни қабул қилган эди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 15 апрель кунин “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” мулоқоти мамлакатлари ташқи ишлар вазири раҳбарлигида Кувайт ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳе билан учрашган, икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий, молия-инвестициявий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинган эди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, Кувайт билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Бунда икки томонлама муносабатларнинг кўп қиррали характери, яъни сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларнинг мутаносиб ривожланиши катта аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳнинг тақлифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожидида муҳим босқич бўлиб, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу йил 17-18 февраль кунлари ушбу давлатга ташриф доирасида Ал-Кувайт шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳ ўртасида ўтказилган учрашув, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим босқич бўлди.



Музокаралар давомида савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион ва молиявий-техника соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. “Нингоҳ 2035” давлат дастури доирасида Кувайтга амалга оширилаётган лойиҳалар икки мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларига мувофиқ келади.

Савдо ва инвестициялар ҳажми ортиши икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкамлашини кўрсатади. Жумладан, “яшил” энергетика, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, инфратузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, туризм соҳалари амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Эришилган келишув ва ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштириш учун мустаҳкам асос бўлади. Нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг муҳим иштирокчиси сифатидаги мавқеини ҳам мустаҳкамлайди.

Қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгаши каби механизмларни йўлга қўйиш, шунингдек, Ал-Кувайт шаҳрида савдо уйини очини бўйича келишувга эришилган ҳам ушбу ташрифнинг муҳим натижаси бўлди.

Ташриф давомида янги шериклик дастури доирасида Кувайт араб иқтисодий

тараққиёт фонди билан лойиҳалар портфелини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Кувайт ўртасида мустаҳкамлашиб бораётган тарихий-маънавий ришталар маданият ва таълим соҳасидаги фаол ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳар икки давлат ислом меросини

асраб-авайлаш ва оммалаштириш, уни ўрганиш ва келажак авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алмашинувлар ўзаро тушуниш борасида муҳим кўприкка айланиб борапти. Икки халқ анъаналари, санъати ва адабиётининг бой меросини кўрсатиб берувчи қўшма кўргазмалар, анжуманлар, фестиваллар мунтазам ўтказилаётди.

Маданият ва туризм ҳафталикларини ўтказиш, икки мамлакат вакилларининг санъат, мусиқа, кино, таълим ва спорт соҳаларидаги тадбирларда фаол иштирокни таъминлаш маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада ривожлантиради.

Ал-Кувайт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон — Кувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, саноат, ҳаво қатнови, меҳнат соҳаси, “ақлли” шаҳарларни барпо этиш, санъат ва маданият, соғлиқни сақлаш, туризм йўналишларида битим ва дастурлар имзолангани давлатларимиз иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга содиқлигини яққол намояндаларига кўрсатади.

Эришилган келишув ва ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштириш учун мустаҳкам асос бўлади. Нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг муҳим иштирокчиси сифатидаги мавқеини ҳам мустаҳкамлайди.

Ушбу ташриф давлатларимизнинг дўстлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқаларни кенгайтириш ва халқаро ташкилотлардаги ҳамкорликни кучайтириш учун муҳим босқич бўлди. Бу, ўз навбатида, икки давлат халқлари фаровонлигини ошириш, минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўғил-қизларимиз ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини сезиб, ўзларига беқиёс куч олмоқда.



Шавкат АЮПОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони, академик

Бошланиши 1-бегда

Ёшлигимда фан олимпиадаларида кўп қатнашганман. Ғолиб бўлсам-да, қўлимизга дипломдан бошқа ҳеч нарса берилмасди. У пайтлардаги ҳолатни ҳозирги шароитлар билан таққослаб бўлмайди. Айни пайтда халқаро фан олимпиадаси ғолиблари ва устозлари муносиб рағбатлантириб келинмоқда.

Ингилизча давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорлари учун бир марталик пул мукофоти миқдори 5 қарра оширилишини маълум қилди. Катта маблағ, ёшлар учун катта мотивация. Одамлар яхши янгиликка тез ўрганиб қолади. Бу худди табиийдек кўринади. Лекин орта қарасангиз, яқин етти-саккиз йилдаги ўзгаришлар бир маҳаллар тушимизга ҳам кирмаган эди. Эътибор, қўллаб-қувватлов ва меҳнат. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини мустаҳкам.

“Алоқабанк” ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи таянч банкка айланганлиги, унга 200 миллион доллар ажратилиши айтилди. Ўзини ўзи банд қилган ёшларнинг лойиҳалари учун имтиёзли микроқарз ажратиладиган бўлди. Жорий йилда салкам 5 миллион 200 минг кишини банд қилиш мўлжалланган. Бунда ёшларнинг катта ўрни бор.

Иш топшида хорижий тилларни билиш жуда муҳим. Шу боис, чекка ҳудудларда чет тилларга ихтисослашган ўқув марказлари очган малакали ёшларга 120 миллион сўмга фонд ссуда берилди. Шунингдек, хусусий ўқув марказларида хорижий

ЁШЛАРДА КАТТА САЛОҲИЯТ БОР

тилларни ўрганадиган ёшларга тўлови “2+6” ой шаклида қўллаб берилиши, яъни ўқув харажатидаги дастлабки 2 ойи ўқувчиларнинг ўз маблагидан, қолган 6 ойи давлат ҳисобидан тўлаб берилиши навқирон авлод вақиларига қаратилаётган эътибордан яна бир далolat.

Учрашувда иштирок этган ёшлар орасида Гарвард университетига қабул қилинган талаба ҳам бор эди. У ҳақда илиқ фикрлар билдирилди. Олий таълим муассасаси ҳузурида “Гарвардчилар клуби”ни очиб, битирувчилар орасидан Гарвардда ўқиши мумкин бўлган ёшларни тайёрлаш масаласи кўрилоқда. Бунда Фанлар академияси ҳам ўзининг ҳиссасини қўшиши лозим. Албатта, бу ишда кўмакдош бўламиз. Чунки энг нуфузли олий ўқув юртига кириш учун асосан, математика фанидан имтиҳон бўлади. Математика ва хорижий тилни билса, қолганини уудалаш мумкин. Ёшларимиз томирида буюк мутафаккирлар қони оқяпти. Уларда катта ишларга салоҳият бор. Шуни фақат рўйбга чиқариши керак. “Гарвардчилар клуби” эҳтимол Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети ҳузурида ташкил этилар. Ҳар бир вилоятдан юқори синфда ўқийётган иқтидорли ўғил-қизларни йиғиш, улар билан нуфузли университет имтиҳонига тайёрлаш кўриш — энг катта вазифамиз.

Яқинда SAT халқаро имтиҳонидан энг юқори — 1600 балл тўплаган билимдон ва интилувчан Парвиз Тўқсоновни Президентимиз ушбу натижа билан қизгин табриқлаб, ота-онаси ва ўқитувчиларига миннатдорлик билдирди.

Ёшлар агентлиги ҳузурида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 100 миллион доллар маблағ ажратилди. Энди тадбиркор ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилди. Ташаббускор ёшларнинг стартап лойиҳаларига 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилади.

Шунингдек, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича ҳоқимлар, банк ва корхона раҳбарларидан иборат комиссия тузилди. Комиссия иш ўринлари яратиш, кадрларга эҳтиёж, бундан ташқари ёшларни жойлаштириш масалаларини ҳал этади.

Айни пайтда саёв фалсафа докторлиги, фан докторлигини ёқлаётганлар кўпайиб кетди. Бу билан сифатсиз кадрлар



етишиши хавфи яққол кўриниб қолди. Бизга уларнинг сони эмас, сифати муҳим. Бу ҳақда аввал ҳам гапирганмиз. Фаннинг софлигини, иқтисодийимизга таъсирини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб қолади. Ўзбекистон Фанлар академияси сифатни сақлашга, миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бугунги ривожланишимиз, иқтисодийимиз, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилайдиган илм-фан керак.

Президентимиз ёшларга дахлдор кўпгина масалаларга тўхталди. Муаммоларнинг ечими кўрсатилди. Зарур маблағ ажратилган бўлди.

Ёшларга сўз берилди. Улар қозоғча қарамасдан дадил, эркин фикр билдирмоқда. Мен уларнинг юракдан отилиб чиқаётган гапларини эшитиб, рост, гурурландим. Юрагидан ўти бор, кўзи ёниб турган, Президентимиз ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, яратилган имкониятлардан фойдаланиш, юрт равнақига ҳисса қўиш истагидаги ёшларнинг интилишлари менга қаттиқ таъсир қилди. Ўсиб келаётган

Буюк ўзбек йўли



ҚИЗИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Қобил фарзанд ота-онани кўп яхши кунларга етказар экан. Қизимиз Дилобар “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати, АҚШнинг Миссури университетига тилшунослик йўналиши бўйича бакалаврият дастурида таҳсил олмоқда. Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида мен ҳам иштирок этдим. Фарзандларимизга яратилган имкониятлар учун миннатдорлигимни билдирдим. Ҳаяжон ва масрурликда кўнглимдаги кўп илиқ фикрлар, самимий сўзлар айтилмай қолди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси Васийлик кенгаши 2023 йилги биринчи стипендия танлови натижаларини эълон қилганда қизимиз жамғарма стипендиясига лойиқ кўрилганини эшитгач, дастлаб ишонмадик. Тўғриси, бундай тушунча аънавий тафаккур тарзимизда борми, билмайман, оқ дейилса, биринчи навбатда, қора рангни тасаввур қиламиз. Худди шундай бўлди: қизим ўқишга кирганини тушунаману давлат барча харажатни қўллаб бериши ҳақида ўйлаб, кургур кўнглимнинг ҳеч ишонгиси келмайдиди. Ахир виза масаласи, тиббий сугурта, таълим назорати ва яна бошқа мен тушунайдиган қўллаб ҳужжатлар бор. Ўйлашмича, ҳамма-ҳаммасига вақт ва пул талаб қилинади. Жамғарма бўлмаганида, умуман, Президентимиз бундай шароит яратмаганида, билмадим, катта эҳтимол билан қизимни орузидан воз кечишга кўндиришга мажбур бўлардим...

Бугун эса ҳаммаси бошқача: фарзандим океан ортида, мен эса оддий бир боғбон, океан ортидаги фавқулодда ақлли қизлардан бирининг отаси эканимдан фахрланиб, юртим берган имкониятни баҳоли қўдрат оқлашга ҳаракат қиламан.

Дилобар ўқишга киришидан олдин ҳам тиниб-тинчимас, янгиликлардан доим бохабар бўлиб юрарди. Телевизорда, ижтимоий платформаларда қизим хорижда ўқийдиган ёшларни кўрсатарди. Менга кўрсатарди-ю, ўзи қайта-қайта завқланиб томоша қиларди. Экранда ўзи каби содда, самимий йиғит-қизлар чет элда ўқишнинг қийинчилиги ва афзалликлари, юртдан узокдаги соғинч ва масъулият билан яшаш, жамғарма стипендиати бўлиш тўғрисидаги олинган вазифалар хусусида тўхталаркан, қоракўз талабалар ўқишни битириши билан Ўзбекистонга қайтиш, жамият ва давлат иқтисодий ривожига ҳиссасини қўиш ниятида эканини айттарди. Бир алақандай лаборатория очиниши, иккинчиси ноёб болалар операциясини Ўзбекистондан чиқмай қилиши йўлга қўишни, учинчиси эса иқтисодийни рақамлаштиришга ҳисса қўишини режалаштириганини ортқича иккиликларисиз, ишонч билан айтишини кўриб, очини, ўзим ҳам ҳавас қилгандим. Қани энди қизимнинг ниятини амалга ошириш имконияти бўлсайди, дердим. Амаллар ниятга боғлиқ, деган ҳикматда жон бор, тоза тилак билдиргандик, натижаси ўйлаганимиздан-да юқори бўлди.

Мен салоҳиятнинг даражасида қизимдан доим илтимос ва талаб қиламан: “Ҳеч нарсага қарамай олган интил, янги билимларни эгалла, бошқа миллат вақилларига ватанимизни танит, қўлингдан неки келса, шуни кўп, юртга нафиги тегсин”, дейман. Барака топсин, у ва у каби ёшлар, мана, менинг олдимда ҳам, насиб, эртага ватан олдида ҳам юзи ёруғ бўлади, эл-юрт умидини оқайди.

Бугунги илмга чанқоқ ёшлар ўз ютугининг асосини билим олишга кунт, ҳеч нимага қарамай олган интилиш, мақсадлар сари ҳаракатда деб билади. Шунингдек,

стипендиатлар халқ олдида ўзини ҳисобдор ҳис этади. Шундай бўлиши ҳам керак. Бу миннат эмас, масъулият ҳисси — бу одамни ялло қилиб юришга қўймайди, виждонининг кўз олдида сўроққа тутайди. Ахир ўйлаб кўриш, бу пулга мактаб, боғча, қанчанда қанча тиббиёт муассасалари куриш мумкин эди, бироқ давлат бизнинг қизимизни ва бошқа ёшларни танлади. Таълимга киритилган инвестиция эса ўзини оқлашга ишонман, бунинг учун қизим билан баробар ҳаракат қилишга ҳам тайёрман.

Эътибор берсангиз, Президентимиз, йиғилишларда, мажлисларда, қаерда бўлмасин, кўп таъкидлайди: ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқларвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга муносабати ва гамўрлиги билан белгиланади. Чиндан ҳам шундай. Сўнгги пайтларда юртимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш учун катта қадамлар ташланганига оддий фўқаро сифатида мен гувоҳман, демек, буни ҳамма ҳис қилапти.

Шарқона тарбиямизда қиз боланинг поқизлиги, ҳушумомалиги, маданият билан кийиниши, уй ишларида моҳир чевар ва пазандалиги, оилавий муносабатларда ҳалимлик, отаси, ака-укаларига бегараз саранжом-саршангалик хизматини адо этиши, уларнинг сўз ва шаънини ҳар қадамда ҳис қилиши, онасининг ёнида меҳрибон ёрдамчи сифатида уй юмушларини тоқат билан эгаллаши асосий мезонлар саналади. Шу мезонларни четлаб ўтмаган ҳолда бугун ёшларни оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила муқаддаслиги гояларини янада ривожлантириш, бу борада қиз боланинг ўрни ва масъулиятини тушунтиришга бағишланган қўллаб таъдир ва илоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтидорли ёшлар ана шундай ўзгаришлар, имкониятлар меваси. Улар сафида қизим Дилобар ҳам борлигидан фахрланаман!



Бахтиёр СОЛИЕВ, боғбон

ТАДБИРКОР СИФАТИДА ХАВОТИРИМ ҚОЛМАДИ

Сурайё ХАЙРУЛЛАЕВА, ёш тадбиркор



Мақтабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ хорижий тилларни ўзлаштириш иштиғеки баланд эди. Энг аввало, инглиз тилини пухта ўрганишга киришганман. Интилишим ва қизиқишим юқори бўлгани учун бўлса керак, анча тез киришиб кетдим. Бирор танлов ёки тадбирлар бўлса, биринчилар қаторида туришга ҳаракат қилардим. Инсон доим олдинга интилишга, ўз мақсадига эриша олади, деган фикрда эдим. Ҳозир ҳам шундай.

Ўрта мактабни битиргач, инглиз тилини билганим боис, хориж олийгоҳларида ўқиш хоҳиши пайдо бўлди. Шу мақсадда чуқурроқ билим олиш пайига тушдим. Айримлар мени бу йўлдан қайтармоқчи бўлди. Аммо ниятимни амалга ошириш орузидан орта чекиммадим. Аксинча, ўзимни янада руҳлантирган ҳолда олдинга одимладим. Натижада American University of Central Asia университетига ўқиш учун грант ғолиби бўлдим.

Олийгоҳда дастурчилик йўналиши бўйича таҳсил олдим. Албатта, нуфузли университетда билим олиш осон кечмади. Лекин тилни яхши билганим, юртимизда ёшлар учун берилган имкониятлардан унумли фойдаланганим иш берди. Малакали мутахассислардан пухта билим олишга эришдим.

Жорий йилда ўқишни тугатиб, Қарши шаҳрида ўқув маркази ташкил этдим. Ҳозир марказимизда 300 га яқин ёш инглиз тилини ноънаввий тарзда ўрганмоқда. Йигирмадан зиёд иш ўрни яратганмиз.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида тенгдошларим қатори мен ҳам иштирок этдим. Ростини айтсам, учрашувда ёш тадбиркор сифатида ўзимга катта куч олдим. Баъзи ишларни амалга ошириш учун иккилик билан юргандим. Шундан сўнг ҳеч хавотир қолмади. Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз шу кун ишларнинг бизнес гояларини қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилиши борасида тўхталиб ўтди. Албатта, бу мен каби эндигина иш бошлаган ёшлар учун катта имконият беради. Шу куннинг ўзида янги лойиҳалар устида ишлаб бошладим. Насиб этса, яна бошқа ҳудудда ҳам ўқув марказимиз филиалини ташкил этамиз. Бу билан ёшларнинг тил билишига шароит яратиб билан бирга, қўшимча 15 иш ўрни очилади. Биз, ёшлар учун шунчаки имкониятлар эшиги очиб берилётган экан, шунчаки томошабин бўлиб туришга ҳаққимиз йўқ.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

SAT халқаро имтиҳонидан максимал 1600 баллни қўлга киритганим

ОРЗУМ – ЮРТ РАВНАҚИГА ХИССА ҚЎШИШ

Парвиз ТЎҚСОНОВ, PS 1600 ACADEMY ўқув маркази раҳбари

Муваффақият — аниқ ҳаракатлар маҳсули. Дўстларим билан ҳафтада 2-3 марта SAT имтиҳонига ўхшаш тестлар ечардик. Ҳар доим ҳам натижа яхши бўлавермас, биз эса интилишда давом этаверардик. Баъзан паст балл олсам, хафа бўлардим. Гўё шунча меҳнатим фойда бермагандек, дарс қилишга иштиғеқим пайсаиб кетарди. Шундай пайтда ота-онам ва дўстларимнинг далдаси, кўмаги ўқишга, ўрганишга иштиғеқимни қайта оширарди. Улардан жуда миннатдорман.

Мазкур халқаро имтиҳонда дастлаб 1560 балл тўплаб, рекорд натижа қайд этдим. Кейинроқ синоларда қайта иштирок этиб, ниҳоят энг юқори — 1600 бални қўлга киритдим. Бу жуда қувончли эди. Айни дамда бухгалтерлик тенгдошларимнинг халқаро SAT имтиҳонидан юқори натижага эришишига ёрдам бериб келяман.

Президентимиз билан учрашув имконияти насиб этганидан ниҳоятда хурсандман. Айниқса, ота-она учун фарзанднинг камолини кўришдан ортқ бахт бўлмаसा керак. Давлатимиз раҳбарининг эътирофи онам кўнглини фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирганини бир кўрсангиз эди! Бундай эътироф ва эътибор учун ташаккур!

Учрашув давомида биз — ёшлар учун яратилётган катта имконият ва шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. Амин бўлдимки, дунёнинг бирор давлатида ёшларга эътибор Ўзбекистондагидек катта эмас. Биз бу имкониятлардан унумли фойдаланмасак, жуда катта хато бўлади.

SAT имтиҳони — “академик баҳолаш тести” бўлиб, абитуриентларнинг танқидий фикрлаш кўникмаларини текшириш учун ўтказиладиган халқаро имтиҳон. Дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида ўқиш истагидаги ёшлар SAT сертификатига эга бўлиш шарт.

Имтиҳонга тайёрликни 2022 йил сентябридан бошладим. Ортимизда бу имтиҳонга офлайн тайёрлайдиган ўқув марказлари йўқлиги сабаб онлайн манбалардан фойдаланишимга тўғри келди.



Бунда менга инглиз тилини билишим асқотди. Чунки манбаларнинг барчаси инглиз тилида. Энг кўп фойдаланган манба Khan Academy онлайн сайти бўлди. Бундан ташқари, Erica Meltzer Writing, Panda Math китобларидан фойдаландим. Бир неча уринишдан сўнг муваффақиятга эришдим.

Имтиҳонда кимё, астрономия, тарих, археология мавзуларида матнлар берилди. Саволларга танқидий фикрлаб, жавоб беришингиз керак. Қайси йўналишда таҳсил олишингиздан қатъи назар, SAT имтиҳонини топширишингиз зарур. Бу сизнинг умумий танқидий фикрлаш қобилиятингизни текшириб беради.

IELTS имтиҳонидан эришган натижангиз билан дунёнинг нуфузли ОТМларига киришингиз мумкин. Аммо грант ютмоқчи, бепул ўқимоқчи бўлсангиз, сизга SAT имтиҳони кўп келади. SAT имтиҳони дунёнинг 1000 дан ортқ олий ўқув юртида амал қилади.

Келажақда режаларим кўп. Нуфузли олийгоҳлардан бири — Сингапур миллий университетида давлат бошқаруви йўналишида ўқимоқчиман. Университетда жуда ҳам илгор, дунёга таниқли профессорлар дарс беради. Мен хорижий илгор тажрибасини ўрганиб, юртимизнинг ҳар жиҳатдан равнақига ҳисса қўишини ният қилганман.

ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ОРҚАЛИ АСЛ ҚУРУВЧИЛАР ЕНГИЛЛИК КЎПАЯДИ, ФИРИБГАРЛАР ЭСА СОҲАНИ ТАРК ЭТАДИ. ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ДАВЛАТНИНГ ТЎЛИҚ НАЗОРАТИ ОСТИДА, БИРИНЧИ НАВБАТДА, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА УРГУ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ.



АСЛ ҚУРУВЧИЛАР ИШЛАЙДИ, ФИРИБГАРЛАР СОҲАНИ ТАРК ЭТАДИ



Санжар ЭШМУРОДОВ "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланиши 1-бетда

сон ва сифат жиҳатидан янги марралар забт этилиши қайд этилди. Хусусан, 2025 йилда 120 минг хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, бутунлай янгича, замонавий кўринишга, шарт-шароитга эга, "яшил" энергия таъминотига уланган 15 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этиш, эски уйларни реновация асосида янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Энди фирибгарларга ўрин йўқ

Кунни кеча интернетда Хоразм вилоятидаги қўштирноқ ичидаги ишбилармоннинг 41 та кўп қаватли уй қураман деб турар жойга муҳтож 21 кишининг пулини ўзлаштириб олгани учун жавобгарликка тортилганини ўқиб қолдим.

Аслида, бундай воқеалар ҳақида билиш учун интернет титкилаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Таниш-билишларингиздан сўрашингизнинг ўзи етарли. Улар мутлақо, юқоридагидек, олғир қурувчилардан жабр чеккани ёки яқинларидан бири шу ҳолатга тушгани ҳақида сўзлаб беради.

Бугунги кунда кўп қаватли уй қураман деб хўжақўрсинга, бир жойга бир-иккита гишт қалаб, арзон нарх ва бўлиб тўлаш имкониятини интернет ва ижтимоий тармоқларда реклама қилиб, аҳоли ишончини қозониб, пулини олиб, ваъдасини бажармай юрган қурувчилар кўпайиб кетди.

Хўш, қурилиш соҳасини сурувни оралган қашқирлардай бундай фирибгарлар босиб кетишига нима сабаб бўлди?

Узоқ вақт мобайнида эътиборсиз қолдирилган уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал қилишдек эзгу мақсад йўлида нафақат озулаб кўп қаватли уйлар, массивлар барпо этилди, балки шу йўналишдаги тадбиркорларга қатор имтиёз ва имкониятлар, қўлай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Дон сепилган жойда аввал ҳаққа, майналар кўпаяди деганларидек, соҳага энгиллик



Президентимиз фармони билан йўлга қўйилаётган янги тизим бўйича бу муаммага дуч келинмайди. Чунки қурилишни чўзиш қурувчининг ўзига зарар етказмайди. Хужжатга кўра, қурувчи ташкилотлар қурилишни бошлаганидан якунига етгунча, лекин узоғи 12 ой давомида ер солиғи тўлашдан озод этилади. Қурилиш ўз вақтида якунланмаган ҳолатда эса икки қарра кўп солиқ тўлашга мажбур бўлади.

берилгач, одамларга яхшилик қилиш ниқо-бидаги нафс бандлари кўпая бошлади.

Бундай қўштирноқ ичидаги қурувчилар соҳани тушуниб-тушунмай ишлагани, сифатсиз хомашёдан фойдаланилгани учун ҳали қурилиши ниҳоясига етмаган кўп қаватли уйларнинг қўлаб тушиши ҳодисалари рўй берди.

Бир йил, икки йилда қуриб тугатаман деб беш-олти йиллаб ваъдаси устидан чиқолмай, аҳолини ижарама-ижара сарсон-саргардон қилган қурувчиларнинг саногига етиб бўлмай қолди. Шунингдек, бир хонадонни ўнлаб фуқароларга сотган "учарлар" юзага чиқатир.

Аммо бу ҳодисалар бир пайтлар уйсизликдан азият чеккан аҳолининг янги уй сотиб олишга иштиёқини бирмунча сусай-

тирди. Қай бир маънода бу йўналишдаги ислохотларга ишонсизлик шакллана бошлади. Шунингдек, ҳалол, халқ манфаатларини ўзиникидан устун қўядиган асл қурувчиларнинг савдосига ҳам сезиларли путур етказди.

Шу боис, Президентимиз видеоселекторда соҳани тубдан ислох қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилдан тармоқда бутунлай янги, хавфсиз тизим йўлга қўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги механизмлар орқали асл қурувчиларга энгиллик кўпаяди, фирибгарлар эса соҳани тарк этади. Қурилиш соҳасидаги муносабатлар давлатнинг тўлиқ назорати остида, биринчи навбатда, халқ манфаатлари, инсон ҳуқуқларига урғу бериладиган бўлди.

Эскроу тизими — халқ манфаатлари давлат ҳимояси остида

Қурилиш соҳасини тартибга солиш, юқоридеги каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида соҳага халқро тажрибада синовдан ўтган эскроу тизими йўлга қўйилмоқда. Бунга Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги "Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу тизимга кўра, қурувчидан уй сотиб олмақчи бўлган фуқаронинг бошланғич ва ойма-ой тўлови тижорат банкларидаги эскроу ҳисобварақаларида сақланади. Ушбу маблағлардан ҳеч ким — қурувчи ҳам, фуқаро ҳам, банк ҳам фойдалана олмайди.

Қурилиш ишлари эса қурувчининг ўз маблағи ёки банкдан олинган кредит эвазига амалга оширилади. Қурилиш тугатилган сўнг депозит ҳисобварақасидаги маблағ харидорнинг розилиги билан қурувчининг кредитини тўлаш учун ишлатилади ва қолган миқдори қурувчи ҳисобига ташлаб берилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек содда ва осон, энг муҳими, ишончли, шаффоф тарзда амалга оширилади.

Эскроу ҳисобварақаси пул йиғишга мўлжалланган қўлга ўхшайди, уй олишни мақсад қилиб ичига пул солиб борасиз, аммо уни олиб ишлата олмайсиз. Керакли маблағ йиғилгач эса синдириб, уйингизни қўрган одамга берасиз.

Тўғри, иссиқ жон, ҳаётда турли ҳолат юзага келиши мумкин. Тўсатдан пулга эҳтиёж пайдо бўлиб қолса нима бўлади деган савол туғилиши табиий.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили



Садриддин ТУРАБЖОНОВ, техника фанлари доктори, академик

Мамлакатимиздаги бугунги шиддатли ислохотлар замирида нафақат жамият, балки келажак авлод тақдири мужассам. Бу эса эртасига беварқ бўлмаган ҳар қандай инсонни сергакликка, ташаббусга чорлайди. Президентимиз таъкидлаганидек, табиат билан ҳамнафас, уйғун ҳолда яшаш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ажодларимиз ва биз учун қадимдан маънавий мерос бўлиб, миллий қадриятга айланиб қолган. Аждодларимиз эътиқотида табиатни муқаддас билиш, кўркам боғлар барпо этиш бош ғоя сифатида илгари сурилган. Бундан халқимиз минг йиллар давомида табиат, атроф-муҳит, ҳайвонот ва наботот мувозанатини сақлаш ғояси билан тарбияланиб келганини англаш мумкин.

Дарахт кўчатларини экиш, ҳудудларни кўкalamорлаштиришда аҳоли манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида йўл бўйида ниҳолларни камда 5 қатордан экиш, парвартиш қилинадиган дарахтларнинг йилига 30 фозидан ошмаган қисмидан санаот ва қурилиш мақсадида фойдаланишга имкон бериш режалаштирилган.

Бўйича миллий дастур асосида ишлар бошланганидан хабарингиз бор, албатта. Бундан буён "яшил" қопламаларга асосланган саксо-вулзор барпо этиш изчил давом эттириладиган ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил қилиниб, тизимли ривожлантирилди. Илмий ва инновацион фаоллик учун замонавий инфратузилма яратилади, илм-фан



экологик муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги имконияти экологик хавфсизлик масалаларида мамлакатимизнинг минтақавий етақчи давлатлар қаторига қўшилишига қўлай шарт-шароит яратмоқда.

Тошкент давлат техника университетидан ҳар йили экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналиши бўйича 60 дан зиёд етук бакалавр ва магистр кадрлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, соҳага оид муаммоларни ҳал этиш мақсадида ресурслардан оқилона фойдаланиш, иккиламчи хомашёни қайта ишлаш ва шу каби "яшил иқтисодиёт"га боғлиқ изланишлар устида профессор-ўқитувчилар, ёш олим изланувчилар чуқур тадқиқотлар олиб бормоқда.

Юртимизда биохимия-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар режасининг тасдиқланиши бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Бу стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10 фозига қисмини қамраб олувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барқарор тизimini ташкил қилишдир.

Яқинда БААда Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг икки ўқувчиси Барқарор ривожланиш бўйича Шайх Зонд Ол Наҳён номидаги нуфузли муқофотнинг "Глобал ўрта мактаблар" номинациясида ғолиб бўлди. Уларнинг мавзуси ҳам экологияга — ичимлик сув танқислиги мавжуд туман ва қишлоқларда фойдаланилмай турган ер участкаларида катта ҳажмдаги ёмғир сувини йиғиш орқали аҳолининг сувга эҳтиёжини қоплашга бағишланган.

Ўқордиқлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ишларни табиат, экология, атроф-муҳит муҳофазасига дахлдор этиб тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

ТАБИАТГА ЁНДАШУВИМИЗ ҒОЯВИЙ ТУС ОЛИШИ КЕРАК

Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида "яшил белбоғ" барпо этиш бўйича 2020-2021 йилларда бошланган ишларни узвий давом эттириш мақсадида 2024-2026 йилларда Тошкент шаҳри атрофида "яшил белбоғ" барпо этиш дастури асосида қатор ишлар қилинмоқда. Шунингдек, ўша йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси бўйича республикамизнинг бошқа шаҳарлари атрофида ҳам "яшил белбоғ"лар барпо этиш бўйича режалар тузилипти, лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

2024-2028 йилларда Орлобўйи ҳудудини барқарор ривожлантириш, инновациялар ва "яшил" технологияларни кенг жорий этиш

ва ишлаб чиқариш интеграцияси мустаҳкамланади.

Бундан ташқари, бошқа турдаги ишлаб чиқариш тармоқларига эътибор ошади, аҳоли саломатлигини тиклаш, экологик туризмни ривожлантириш, халқро ташкилотлар, молия институтлари, жамғарма ва компаниялар томонидан сармоялар ажратилиши бўйича халқро алоқалар кучайтирилади.

Ўтган йилларда юртимизда экологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Натيجида атмосфера ифлосланиш даражаси бирмунча

пайсаяни, асосий сув ҳавзалари ҳолатининг яхшиланиши, пестицидлар қўлланишининг камайиши, экин турлари хилма-хиллигига эришилди. Миллий экологик муаммоларни ҳал этишда халқро ташкилотлар ҳиссаси ҳам сезиларли даражада ошди.

БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейрода ўтказилган конференцияси халқро ҳамжамиятнинг табиатни муҳофаза қилиш, биологик ресурсларни сақлаш ва барқарор ривожланиш масалаларини ҳал этиш борасидаги сайё-ҳаракатларини бирлаштиришда муҳим қадам бўлди. Конференцияда Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Миллий қадриятлар ҳамда келажак авлодга муносиб эътибор сифатида мамлакатимизда 2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили дея номланди. Шу муносабат билан юртимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Утган даврда мазкур лойиҳа доирасида 588 гектар "яшил боғ", 662 гектар "яшил жамоат парки", Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофидаги жами 40 километр масофада "яшил белбоғ"лар барпо этилди.



Нуқтаи назар

Мулоқотда давлатимиз раҳбари ёшлар тадбиркорлигида мутлақо янги даврни бошлаб берадиган 3 та ҳужжатга имзо чекканини эълон қилди. Биринчи ҳужжатга мувофиқ, Ёшлар агентлиги ҳузурида ушбу йўналишда алоҳида жамғарма ташкил этилиб, унга 100 миллион доллар ажратилиши айтилди.



Дахлдорлик ҳисси

Олима қизлар – эртаимиз умиди

Бугун юртимизда хотин-қизлар нафақат ижтимоий жабҳаларда, балки сиёсий-иқтисодий соҳаларда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган шароитлар самарасида мустақил позициясига эга бўлмоқда, илмий салоҳиятини намоен этипти. Улар бугун нафақат кузатувчи, балки ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланди. Жумладан, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда ҳозир аёл депутатлар 38, Сенатда эса 16 фоизни ташкил этмоқда. Илм-фанда ҳам аёллар ўрни йилдан йилга ошиб борапти.

МАҚСАД САРИ

ДАДИЛ ОДИМЛАШ ФУРСАТИ



Шодиёр НАРЗУЛАЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси

Бошланиши 1-бетда

Кузатишлар, таҳлиллар, ўрганишлар кейинги пайтларда бутун дунёда ёшлар тадбиркорлиги анча фаоллашганини кўрсатмоқда. Бу, биринчи навбатда, уларнинг ўз салоҳиятидан самарали фойдаланиб, молиявий мустақилликка интилиши натижасидир. Салоҳият эса имконият бўлган жойда юзага чиқади. Шу жиҳатдан олганда, мулоқот асосида билдирилган фикрлар амалий ҳаракатга айланиб, ёшларимизга қўшимча имконият бериши билан диққатга сазовор. Ўзбекистонда айнан ёшлар тадбиркорлигига кичик бизнесни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралаётганининг боиси шунда.

Президентимиз имзолаган учинчи ҳужжатга кўра, “Алоқабанк” ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи таянч “ёшлар банки”га айлантирилиб, бунга 200 миллион доллар йўналтирилади. Бундан ташқари, ёшлар тадбиркорлиги иқтисодий ўсиш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Ёш тадбиркорлар бизнеси орқали нафақат ўзлари, балки бошқалар учун ҳам иш ўринлари яратилади. Улар иқтисодий ривожланиш каталогларига айланади. Маҳаллий иқтисодиётни рағбатлантириб, ўз жамоасининг умумий фаровонлигига хисса қўшади.

Мамлакатимизда ёшларнинг таълимга эҳтиёжи долзарблигининг даражаси юқори. Олий таълимда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижодкорлик, инновация каби

Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари, асосан, талабалар контракти ва ҳужжалик шартномалари ҳисобидан даромад топишти. Умуман олганда, университетлар (таълим муассасалари) учун камда учта даромад манбасини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- 1. Талабалар томонидан ўқув тўловларини тўлаш.
2. Хайрия (ҳомийлар) ҳисобидан шаклландirilgan вақф даромад қисми.
3. Илмий тадқиқотлардан олинган даромадлар (бу хусусий ва давлат компанияларининг университет томонидан олиб борилган тадқиқотларини молиялаштириш ва унга тегишли патентлардан олинган даромадларни ўз ичига олади).

Бу бўйича Гарвард университети фаолияти жаҳонга ўрнатилган бўлган. Мазкур универ-

олиб келади. Ёшлар ўз бизнеси орқали долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдан кўрқмайди. Бундан ташқари, ёшлар бизнеси иқтисодий ўсишни рағбатлантириши, янги иш ўринлари яратилиши, ёшларнинг янгилик ва чидамлик маданиятини ривожлантириши. Ўзига ишончини рағбатлантириши, келажакни назорат қилиш имкониятини беради. Бу уларга аънанавий иш имкониятларига таянмай, ўз гоёларини ҳақиқатга айлантириш учун йўл очади. Эгаллик ҳисси ишонч, мустақиллик ва кучли мақсад туйғусини уйғотади. Бизнесни бошлаш ва юритиш ёшлардан етакчилик, муаммоларни ечиш, қарор қабул қилиш, чидамлик каби муҳим кўникмаларини ривожлантиришни талаб этади. Ниҳоят, ёшлар тадбиркорлиги инновациялар ва таваккалчилик маданиятини тарбиялайди. Ёшларнинг тадбиркорлик орзуларини амалга оширишга ундаш орқали бутун жамият пайдо бўладиган турли гоё ва ечимлардан фойда кўради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ёшлари умумий сонининг учдан бири қисми иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти давлат ташкилотларида меҳнат қилмоқда. Бундан кўра, бандлик манбаи сифатида давлатга ёрдам қўлини чўздиган ёш тадбиркорлар сифини шакллантириш давр талабидир.

Олий ўқув юртиларида тадбиркорлик дастурлари қабул қилиниши турли усуллари мавжуд. Бироқ бизнес режа ёзиш, молиялаштириш ва ҳоказоларни ўрганишнинг ўзи етарли эмас. Машбаларга кўра, бугунги ёшлар амалга оширадиган тадбиркорликнинг 60 фоиздан ортиғи ўйлаб топилган. Таълим тизими, ота-оналар, маслаҳатчилар тадбиркорликни рағбатлантириш гоёсини ҳисобга олмайпти. Яъни агар ёшлар бизнес лойиҳаларининг 60 фоиздан кўпроғи ўйлаб топилган бўлса, нега биз уларга имкониятларини амалга оширишда ёрдам бермаслигимиз, келажакдаги ишлар ижодкори бўлмаслигимиз керак?! Ўргатиш, амалга ошириш ўрнига натижа кутишни оdat қилиб олганмиз. Мутахассис ёки ишчи бўлишдан кўра, тадбиркор бўлиш кийинроқ.

Биз бутун жадал тараққиёт даврида яшаймиз. Технология, глобаллашув ва барча соҳалардаги тараққиёт ҳаёт тарзини қайта белгилаб берадиган замон келди. Интернет Ер юзини ўзгартирди. У бутун инсониятни бир платформада бирлаштирди. Чегараларни олиб ташлади. Глобал мулоқот майдонига айланди. Шу билан бирга, интернет ёшларга иш излашдан кўра, ўз бизнесини бошлаш учун чексиз имкониятларини ҳам тақдим этмоқда.

Жаҳонда ёшлар тадбиркорлигига эҳтиёж ва салоҳияти эътироф этган ҳолда, Халқаро меҳнат ташкилоти сингари нуфузли тузилмалар дунё бўйлаб ёшлар тадбиркорлигини яратилиши, ривожлантириши ва қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишга эътибор қаратмоқда. Шу жиҳатдан бизда ҳам ёшлар бизнесини қўллаб-қувватлашга ёрдам берувчи ва ривожлантирувчи стратегияларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсада мувофиқдир. Бинобарин, бизнесни бошлаш осон иш эмас. Давлат томонидан кўрсатилаётган ҳар қандай кўмак, қўллаб-қувватлов уларни янги марралар сари қорлайди.



Эътибор СУЛТОНОВА, сиёсий фанлар доктори, профессор


Маърифатли жамиятни маърифатли аёллар барпо этади. Улар дунёқароши қанчалик кенг бўлса, шунчалик мавқеи ортади ва ўзини намоен этади. Шунинг учун ҳам “Илми аёл — жамият кўзуси”, дейилади. Аёллар, аввало, ўз интеллектуал имкониятини фарзандларига беради. Уларга илм-фан, тарбия, ватанга садоқатни ўргатади. Шу орқали келажакни яратишга хисса қўшади. Энг асосийси, Учинчи Ренессанс авлодини тарбиялайди.

XIX аср мутафаккирларидан бири Ризоуддин ибн Фараҳиди бу борада бундай деган: “Агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотинларга буюклик ва фазилат ўргатингиз... Агарда хотинлар орасида тарбия билан илм



ёйилса, тарбия ҳам, хусн-ахлоқ ҳам болаларга кўчади, халқ орасига тарқалади, маҳкам томирланади... Хотунлари тарбия бўлган халқ — тарбияли, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ — бою, хотунлари ялқов ёки исрофдор халқ фақир бўлиши аниқдир”.

Ҳақиқатан, аёлларга, уларнинг таълими, илмига диққат қаратилса, жамиятда инсон тафаккури ривожланади, кадр юксалади. сифатида, турли стартап лойиҳалари билан халқаро ташиллотлар ва чет эл стажировкаларида фаол қатнашмоқда. Анқуманда эшитилган барча маъруза ягона хулосага олиб келади: бугунги ёш олимларимиз, ҳақиқатан, илми инсонлар бўлиб етишмоқда. Бир донишманд бундай деган экан: “Жамиятни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ўзингиздан бошла”. Бугунги ёш олимларимизнинг Тўмарис, Ўзбекистон, Нодирабетим каби дунёқароши кенг. Улар Учинчи Ренессанснинг ҳақиқий бунёдкори.



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

фанларга эътибор кучайгани уларда тадбиркорлик онгини тарбиялади. Энди мактаб, коллежлар (техникумлар) тадбиркорлик дастурлари жорий этилаётгани ўқувчиларни ўз бизнесини кашф этишга, танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга, ёшларнинг тадбиркорлик сирларини ўрганишга ундамоқда. Албатта, бу борада ёшларни қизиқтирадиган фанларни ўқув дастурларига киритиш ва шу асосда ўқитиш долзарблигини қолмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларнинг илмий фаолиятига кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш каби қатор вазифалар белгиланган. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутиви “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалар асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва техника-технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи “spin-off” ва “spin-in” корхоналарини ташкил қилиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш шулар сирасидандир.

ситетнинг стартап ёки илмий лойиҳалардан олинган илмий даромади 5 миллиард доллардан ортиқни ташкил этади. Бу даромад, асосан, талабаларнинг илмий маҳсулотлари ортидан келади. Гарвард талабасининг ўртача даромади 168 минг 800 долларни ташкил этади. Яна бир эътиборли жиҳат, Гарвард талабаларининг тахминан 1,8 фоизи камбағал оиладан чиққан, аммо улар ўз стартап лойиҳалари (илмий тадқиқотлари)ни тижоратлаштириш орқали бадавлат бўлган.

Тўғри, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг илм ва билим олишига катта эътибор қаратилмоқда. Улар қўлга киритаётган ютуқлар ҳам кам эмас. Лекин айрим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидида талабаларда бошланғич капитал ва махсус иқтисодий-ҳуқуқий билимлар етишмайди. Ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ўртача ёши 23-24 ни ташкил этиши ва келажакда у 25 ёшдан юқори бўлиши мумкин. Демак, бу кўрсаткич талабанинг таълим муассасасини биттириш ёшига тўғри келмапти. Ушбу вақт ичиде талаба тадбиркорликнинг барча сир-асрорларини ўрганиши шарт. Шунингдек, йирик бизнес вакиллари ташаббускор ёш тадбиркорлар учун бизнес устоз бўлиши ҳам мумкин.

Ёшлар бизнесининг қўллаб-қувватланиши нафақат иштирокчилар, балки бутун жамият учун фойдалидир. Бу юксалиш, инновацион гоёлар ва ижобий ўзгаришларга



Ойбек МАМАРАҲИМОВ, биология фанлари номзоди, доцент

Мамлакатимизда табиати асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалий ҳаракатларга жиддий эътибор қаратилаётган. Жорий йилнинг Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилиниши ҳам эзгу ишларнинг давомидир.

Сабаб кўп

Ҳар кун эрталаб иш ошлар эканман, автобусдан тушиб ёки метродан чиқиб бир оз нафас ростлайман. Мусаффо осмонга, кўёшга қарайман. “Ҳа, бугун ҳаво туман экан”, дейман ёки “Бехосдан ёмғир ётса керак”, дея ўйлайман. Лекин бу туман бўлмайди. Одатда кун шундай бошланади.

Advertisement for 'ДИСПЕРС' (Dispers) featuring a green background with a globe and a person. Text includes 'ДИСПЕРС', 'БИЗНИ ЯШИЛ ОЛАМ КЎТҚАРА ОЛАДИ', and 'ЗАРРАЛАРИ'.

“Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди” деган эди тиб илми султони Абу Али ибн Сино. Дарҳақиқат, шундай. Бу ҳикматнинг тўғрилигини йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳам исботлаган.

Дарс давом этар экан, талабаларимдан бири бундай деди: — Бугун, яъни 2025 йилнинг 5 февраль кунини Тошкент шаҳри ҳаво сифати бўйича дунёнинг энг ифлос шаҳарлари рейтингини давомида ўзингизга қилибди. Пойтахт ҳавосида майда РМ2,5 дисперс зарралари концентрацияси 77,8 мкг/м³ ни ташкил этипти. Бу энг ёмон кўрсаткич экан. Хабар ҳар бир талабани бефарқ қолдирмади. Хўш, нега Тошкент ҳавоси 2-3 йилдан буён рекорд кўрсаткичларни қайд этмоқда? Ўтган асрда “Тошкент ҳавоси” ва “ифлос”

сўзлари инсонларнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Натижаларни 11 февраль кунини яна кўздан: соат 12:00 да Тошкентда ҳаво сифати индекси (AQI) 70 бўлиб, бу “ўрта” даражага тўғри келади. Асосий зарарланувчи модда РМ2,5 бўлиб, унинг концентрацияси 19,5 мкг/м³. Бу кўрсаткич Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан таъсирли тилган йиллик РМ2,5 меъёридан 3,9 карра юқори. Кун давомида ҳаво сифати индекси куйидагича ўзгариши кутулаётганини билдим: 14:00 — 68, 15:00 — 67, 16:00 — 66, 17:00 — 65, 18:00 — 64.

Пойтахт осмонўпар бинолар қуршо-вида қолмоқда. Тошкентнинг қайси кўчасига қирманг, катта-катта иморатлар қад ростлаб, аксариятининг қурилиши давом этмоқда. Бу қурилишлар ўз поёнига етунча қанча чанг-тўзон шаҳримиз ҳавосига кўтарилган экан? Тошкент ҳавоси ифлосланишининг яна бир сабаби ишлаб чиқариш корхоналари, қувватлаш станциялари ва бошқа санаот иншоотларидан чиқадиган чиқиндилардир. IQAir’га кўра, пойтахтда ҳаво ифлосланишига Тошкент шаҳри ва атрофидаги катта-кичик ИЭСлар, иссиқхоналарда кўмир, мазут ва бошқалар ёқилиши сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси, бу зарарланган

ҳаводан нафас олиш аҳоли орасида турли сурункали хасталиклар авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Айбдор ким? Эскидан ота-боболаримиз кўчат экиб, бог яратган. Бу эзгу ишни қадрият даражасига кўтарган. Ҳовлиси олдидаги бир парча ер бўладики, томорқаси бўладими, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиб парвартирилган. Мавсумий полиз маҳсулотларидан мўл ҳосил олган. Шаҳар жойларда эса катта йўл ёқалари, истироҳат боғлариغا, каллар бўйига чинор, оқ терак, каштан каби манзарали дарахтлар экилган.

Шундай йиллар бўлдики, кўп йиллик чинорлар аёвсиз кесиб ташланди. Гўёки мутасаддилар фикрича, айни баҳор фаслида — дарахтлар гулга қирган паллада улар ўздан чанг чиқариб, шаҳар аҳолисида аллергик касалликларни кўзгатар эмиш?! Биз эса бу гапларга ишондик. Бугун вазиятни ўнглашга киришилди. Бундай салбий ҳолатларни баргараф этиш, келажак авлодга яшил олам қолдириш мақсадида эзгу ташаббуслар бошланди. Катта шаҳарлардаги шовқин инсонлар умрини 6-12 йилга қисқартирар экан. Шовқиндан ҳимояланишнинг бир йўли яшил дарахтзорлар барпо этишдир. Дарахт ва буталар шаҳар кўчаларидаги шовқиннинг таъсир кучини камайтириш, 24 соат ҳолатда эса тўлиқ ўзига ютиб олади. Манзаралиси билан бир қаторда нибаргли дарахтлар ҳавони чангдан тозалашдан ташқари микрообларни ўлдирувчи фитонцидлар ишлаб чиқаради. 1 гектар нибаргли дарахт йилгига атмосфера ҳавосидан 40 тонна, япроқли дарахтлар тахминан 100 тонна чангини тутиб қолади. Биз юқоридан Тошкент шаҳри ҳавоси ифлосланишидан сўз очдик. Лекин бутун дунё аҳолиси ҳам мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олаётгани йўқ. XXI асрда экотизм ва экологик вазиет буткул жар ёқасига келди, десак адашмаймиз. Катта ўрмон ёнғинлари, қуроқчилик, иқлим ўзгариши каби жараёнлар ҳаётимизга хавф солаётганининг асосий сабабини сизу мен — бизми, яъни бундай вазиетга тушиб қолишимизга ўзимиз сабабимиз. Хўшёр бўлайлик, табиатга етказилаётган ҳар бир азият, хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик, одамзоднинг ўзига уланган мусибат бўлиб қайтиши мумкин. Шу юртининг фарзанди эканми, унинг бугунги, эртаси учун масъулиятни хис қилиб яшайлик!

Маҳмудхўжа Бехбудий таваддуғининг 150 йиллиги

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ЖАДИДЛАР ИБРАТИДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Инсоният тарихида барча макон ва замонда жамият ҳаётига кириб келаётган янгилик катта қаршиликка учраган. Чунки шу тузумнинг "иссиқ бағри"да яшаётган, унга кўникма ҳосил қилган айрим кишилар бу ҳаётбахш ғояларни найза билан қарши олган.

Карим НОРМАТОВ, профессор

Ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўша пайтдаёқ тарихга оид маълумот ёзиб борилган. Бизни ҳайратлантирган, беҳудийшунослик адибнинг қабри совмай туриб бошланганида эди.

У нафақат маърифатпарвар инсон, балки элли озолик ҳавосидан нафас олиш шукҳидан воқиф этган, унинг мустақил ҳаёт кечирлиши ич-ичидан орзу қилган ва шу йўлда жонини қурбон қилган миллатимиз ўғлидир. Дарвоқе, атоқли жадидчи Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Адиблар хиёбонидани муззам ҳайкали пойида ул зотнинг мунаввар сиймосига қараб айтмиш: "Адолат қайтди, бу ҳайкал бизнинг тантанамиздир".

Марказий Осиёдаги жадидчилик ҳаракати мураккаб тарихий йўлни босиб ўтди. Жадидлар турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий-мантқиқий таърифига таяниб, миллий асосда қайта янгилашди. Айни пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари — маҳаллий кадрлар тайёрлаш, уларнинг раҳбарлик салоҳиятини ошириш ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди, десак муболаға бўлмас.

Мустамлакачиликка қарши курашининг бош ғояси шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди. Демак, жадидчилик жаҳон миллий ва умумбаъшарий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, Марказий Осиёнинг маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига хизмат қиладиган ва ижтимоий тараққиётнинг пишиб етилган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган инновацион ҳаракат ва интилиш сифатида раванқ топган.

Жадидларнинг халқаро алоқалари Россия, Туркия, Миср, Эрон жадидлари дастури билан танишиш имкониятини берди. Лекин Туркиядаги "Ёш турклар" ва "Эрон тараққиётпарварлари" таърибларини Туркистон жадидлари механик тарзда ва ўша қолғида ўзлаштирмади. Аксинча, улар Европа ва Шарқ мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонуни чиқарувчилик таърибларидан, мустамлакачиликка қарши демократик ҳаракатлар кураши усуллари ва дастурларидан миллий манфаатлари ҳамда маданиятларига ҳамоҳанг ва мос келадиган жиҳатларини олди.

1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши жадидларнинг фикрларини анча сиёсийлаштирди. Бу вақтга келиб, улар парламентар монархия тузуми, давлат органларининг шаклланиши ва қонуни чиқариш ишларида, давлатни идора қилишда фуқаролар қатнашуви ва иштироки этиши йўллари ҳамда усуллари ишлаб чиқишга уринди. 1917 йил Россиядаги февраль воқеаларига қадар тараққиётпарварлар оқимини ташкил қилган Туркистон жадидларининг кескин ҳаракат қилувчи қисми қатор кенг сиёсий талабларни илгари сурди. Бу талаблар орасида маҳаллий аҳоли ҳуқуқлари кенгайтирилиши кўзда тутилган ҳолда, ўлкани идора этишининг асоси — маҳаллий кадрларни етиштириш учун тубдан ислоҳ қилиш, давлат Думасидан

туркистонликларга муайян миқдорда ўрин ажратиш, асосий демократик эркинликларни таъминлаш, энг аввало, миллий матбуот эркинлигига эришиш масалалари кун тартибига қўйилган эди. Шу билан бирга, подшо яққоҳимлигини конституциявий халқчил идора этиш тузуми билан алмаштириш каби талаблар ҳам ўрин олганди.

Февраль воқеалари натижаси ўлароқ ўрнатилган янги давлат тузумидан сўнг жадидлар Россия федератив давлати таркибидан Туркистон мухториятини ташкил этиш масаласини қўя бошлади. Бу пайтга келиб, миллий, ижтимоий-сиёсий ташкилот ва партиялар ташкил топди. Хусусан, "Шўрон Исломия", "Турон", "Иттифоқ" каби ташкилотлар тузилди.

Туркистонда мусулмон хайрия жамиятларининг тарихи XIX асрнинг сўнгги даврида бошланди. Самарқанд шаҳар қозиси Низомиддинхўжа ташаббусига кўра,

"Дор ул-оқизин"ларнинг асосий вазифаси шаҳар аҳолисида ёрдамга муҳтож қатламни иссиқ оқват ва бошпана билан таъминлаш эди. 1897 йили Бухоро амири Абдулаҳаддон Бухоро шаҳрида кам таъминланган ва ногиронларга мўлжалланган "Дор ул-оқизин" таъсис қилди. Ушбу хайрия муассасасида бериладиган икки маҳал иссиқ оқват амир ҳисобидан бўлган. Айни шу вақтдан эътиборан Туркистонда маҳаллий халқларнинг замонавий мусулмон хайрия тизимида янги давр бошланди.

Танқиди жадидшунос олим Беғали Қосимовнинг таъкидлашича, Бастилия қаҳрамонларининг сеvimли ширлари — тенглик, озолик, биродарлик Номик Камол, Тавфиқ, Фитрат, кейинчалик Бехбудий ва Мунавварқори томонидан кўп қўлланилган "Ҳақ берилмас, ҳақ олинуру!" сўзлари миллат қалбига сингиши лозим эди.

Давлат мустақиллиги тўғрисида очиб ва шаффоф ғояларни Туркистон жадидлари турли ижтимоий кучлар билан келишилган ҳолда ҳаётга таъбиқ этишни лозим топди. Жадидлар таъсис мажлисидан ўрин олиш учун жуда кўп уринишди, ғайрат қилди, ҳатто бу жараёнда ўз сафларида тараққиётпарварлар томонидан тузилган "Шўрон Ислом" ва жадидларнинг консерватив қисмидан ташкил топган "Уламо" жамияти каби ташкилотларга бўлиниш юз берганига қарамай, бирлашни йўлдан борди. Пировардида, бу Туркистон федералистларининг "Турк Адами марказияти" партиясининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бироқ Туркистондаги 1917 йил октябр воқеалари, большевикларнинг ҳокимиятга келиши жадидларга ўз мақсад-ниятларини амалга оширишга имкон бермади.



1894 йили 1500 сўм маблаг жамлаиб, маҳаллий аҳоли учун "Дор ул-оқизин" таъсис этилди. Орадан икки йил ўтиб, 1896 йили Фарғона вилояти Ўш шаҳрида маҳаллий мусулмонлар биринчи "Дор ул-оқизин"ни ташкил қилди. Ушбу "Дор ул-оқизин"нинг молиявий тарафини шаҳар савдогарлари ўз зиммаларига олган. Бу

Президентимиз бу ғояни давом эттириб бундай дейди: "Баъарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва овоз бўлган тақдирдагина ўз ҳаёти ва келажagini мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. "Ҳақ берилмас, ҳақ олинуру!" деб миллат озолиги йўлида жонини фидо қилган улуг аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди".

Очингани айтганда, ўша давр учун ҳам миллат ва ватан нима эканини аниқ тасаввур қила оладиган ўқимшли ва зиёли ёш авлод керак эди. "Садоий Туркистон" газетаси ёзгандек, "Бу ёш авлод ўзининг хизмати, ҳаракати, ёрдами ва содиқлиги билан ҳақиқий зиёли эканини кўрсатиши лозим". Улар миллий гоанинг самарали тарғиботи учун 1914 йилдан турли наشريёт, ширкат ва кутубхоналар ташкил қилди. Бундай муассасаларнинг асосий мақсади ўрта авлод учун миллий го тарғиботи ва сиёсий ироданинг мустаҳкамлашишга хизмат қиладиган газета, журнал ва китобларни нашр этиш ҳамда тарқатишга қаратилди. Шу мақсадда ташкил этилган муассасалар қаторига Қўқондаги "Ғайрат" кутубхонасини, Тошкентдаги "Наشريёт" ширкатини, Бухородаги "Маърифат" кутубхонаси ва "Баракат" кооперативини киритиш мумкин. Исмоил Гаспринский сўзлари билан айтганда бўлса: "Туркистон жадидларининг барча фаолиятлари оғзаки тилдан босма матбуотга ўтди ва халқ орасида тез ёйла бошлади".

Шунга қарамай, янги большевик ҳокимиятининг ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги декларациясига асосланиб, улар 1917 йил 26 ноябрда ўлка мусулмонларнинг IV факультетда қурултоийини чақирди ва Россия таркибидан автономия ҳуқуқига асосланган Туркистон Мухториятини эълон қилди. Етмиш икки кун яшаган автоном республика тарихи қонли саҳифалардан иборат бўлиб, жадидлар таъбиқ остига олдинда ва 1920-1930, айниқса, 1937 йилга келиб, ғоявий қарашлари совет мафқурасига зид экани учун кўпчилиги қатағонга учради.

Академик Наним Каримовнинг жадидчилик ҳаракати ва унинг оқибатларига қуйидагича баҳо бергани бежиз эмас: "Мустамлакачилик даврида ўзбек халқининг кўп озор чеккан халқ ўқиб, дейиш мумкин. Негаки, 1917-1920 йилларда большевиклар дастидан қочиб, Амударё орқали Афғонистонга ўтиб кетмоқчи бўлган миллатдошларимизни қизил аскарлар қуғурқудек отиб ташлаш ва дарё ойлари давомида ўликлар билан тўлиб оққан: 1918 йилнинг феврели Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши кунлари Қўқон ва унинг атрофидаги қишлоқларда, "Наша газета"нинг ёзишча, 10 миңдан зиёд одам қириб юборилган.

Шундай қилиб, мустамлака бўлган Туркистонни жаҳолатга қарши курашиш, миллат шайнини ҳимоя қилиш орқали дунёнинг тараққий этган мамлакатлари сафида кўришни истаган аждодларимиз орузси бутун рўёбга чиқмоқда. Энди бизнинг — бутунги кунининг янги жадид эгалари зиммасида аждодларга муносиб бўлиши, она замонини асрай олиши, ўзи интилишларимиз, ислохотлардаги фаол иштирокимиз, ташаббускорлигимиз орқали уларга кимларнинг авлоди эканини аниқлашга шарофатли вазифа мавжудлигини унутмаслигимиз даркор.

Зеро, янги Ўзбекистон келажига билим, маърифат, тоза виждон, ҳалол меҳнат ва кучли салоҳият билан ҳисса қўиш учун ётарли куч ҳам, заковат ҳам, имконият ҳам бизда. Энг муҳими, бой меросга эга халқимиз.

XIX аср охири — XX аср бошларида Марказий Осиёда шундай ҳолат юз берди. Туркистон, Бухоро ва Хивада, шунингдек, айрим Шарқ мамлакатларида жунбишга келган жадид маърифатпарварлик ҳаракати катта тўсиқларга учради.

110 йил муқаддам Туркистонда Маҳмудхўжа Бехбудий раҳбарлигида жадид маърифатпарварлик ҳаракати юзага келди. Улар қандай мураккаб шароитда янги мактаблар очгани, миллий матбуотга асос солгани, янги бадий адабиёт ва театр санъатига тамал тоши қўйганини бутун тасаввур қилиш ҳам қийин.

"Самарқанд" газетасининг 1913 йил 12 июль сонида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Эҳтиёжи миллат" мақоласи чоп этилди. "Замони собиқда фақат шаръият билмоқ кифоя этарди. — Энди қонун ва зақунни билмоқ ҳам лозимдур. Шаръият илми мадрасаларда, қонун илми Русия дорилфунунларида ўқилур. Дорилфунунга кирмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияда ўқумоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўқуб, андан ҳуқуқшунос, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона фақиҳи бўлиб чиқар.

Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда кириб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваққили ва ўз миллати ва ўз тоифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашуру, мудофаа қилуру. Масалан, давлат Думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига ҳаракат қилуру. Аммо шундай одам бизда йўқ.

Давлат думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга кириб, бизни мудофаа қилдурдурон кишимиз йўқ. Бошимиз оғрикса, дўқтурга борамиз, аммо дардимизни айтмоқда тил йўқ. Узимиздан дўқтур йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак, ллон-лоийҳаси лозимки, инжинерга муҳтож бўлурмиз. Аммо биз ҳануз "муҳандис" исмини билмаймиз.

Контур ва расмий дафтар тутиб, касса қуриб тишжорат этмоқ лозим. Илм тишжорат била турган бухгалтерлик ҳисоби юри-тадурдон боиларимизга керак, ул ҳам ўзимиздан бир нафар топилмайдуру.

Хулоса, мактабимиз, дўқонимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замона ислоҳи лозимдур. Бу кетшининг охири ямондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болалар оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун.

Бутун Туркистондан ўн бой йиллида миңе сўмдан берса, 25 бола учун Тошкандда "диний ва замоний" бир "пансион" лойи ва наҳори 5 мукаммал мактаб бино бўлуру, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдуру.

Ўн йилда булардин... 200 муҳандис, дўқтур, ҳуқуқшунос, муаллим, техник, замона тожирчи, валлоҳ... чиқар ва бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишга кирарлар.

Алломининг бу пурмаъно тарихий ғоялари ўз қимматини ҳозир ҳам йўқотган эмас. Зеро, бой тарихий мерос ҳамиша қадрланади ва эъзозланади. Унинг орузси бутун янги Ўзбекистонда рўёбга чиқапти.

Туркистон жадидлари раҳнамоси Бехбудийнинг қарашлари, нафақат маърифий соҳада, балки маънавий ҳамда ҳуқуқий-сиёсий жабҳаларда ҳам янгилик бўлди. Танқиди публицист, ёзувчи Тўлқин Хайит "Миллат қалбига ойна тутиб..." мақоласида бундай ёзди: "Маҳмудхўжа Бехбудий ўз даврида замонадошлари томонидан Туркистон жадидларининг улуги, ўзбек драматургияси ва публицистикасининг асосчиси, деган таърифларга сазовор бўлган. Мутафаккирининг

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДМ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.

Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246. 37560 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов

Маназилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:06 Тошхирлиди — 00:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девоҳона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

"Босмачилик" ҳаракати, жамоалаштириш, "қулоқлаштириш", пахта мустақиллиги учун кураш йилларидаги фожиали воқеаларни-ку айтиб адо қилиш қийин. Булар қатагон машинаси ишга тушган вақтда бўлган "шунчаки ҳодиса"лар, ҳоло. Қатагон даҳшатлари халқимизни кўрқок, муте ва ҳапто бир оз ҳуррак қилиб қўйди...

Президентимиз жадидлар меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида: "XIX аср охири ва XX аср бошларида бир қатор Шарқ ва мусулмон мамлакатларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасида теран тарихий илдизларга эгадир. Юртимиз улкан ижтимоий-сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга ушбу жараёнлардан ченда қолмагани, аксинча, бу ҳаракатнинг марказларидан бизга айланганини таъкидлаш лозим... Биз янги Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этар эканмиз, жадид боболаримизнинг гуманистик қарашларига таянамиз, уларнинг меросидан маънавий куч-қувват оламиз", дея таъкидлади. Демак, янгилик (жадидчилик) яратувчи, бунёдкор, фидойи, мард ва жасур инсонларни давримиз қаҳрамонлари, деб баралла айта оламиз. Улар жадидлар ибратидан қувват олади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бутун маърифатпарвар жадид боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўлдами ишлар қилинаётир. Шу мавзуда қатор бадий ва ҳужжатий фильмлар суратга олинган, ўнлаб тарихий сиймоларимиз, маърифатпарвар жадидлар ҳақида болалар ва ёшлар учун асарлар яратишни давлат буюртмаси асосида қўл-қувватлашга киришилгани юртдошларимиз томонидан катта қувонч билан қутиб олинди.

Президентимизнинг 2024 йилнинг 30 май куни қабул қилинган "Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан ушбу музей учун Бухоро шариф танланганини чинакам тарихий адолат тантанаси, дейиш мумкин. Зеро, биз билган жадид тараққиётпарварларнинг барчаси миллатни маърифатта бошлаш дардини шу шаҳарда ўзларига "юқтириб", бутун молу жонини шу йўлга тиккан зотлардир. Жадидлар мероси давлат музейи учун "Ёш бухороликлар" партияси етакчиларидан бўлган Фаёзулла Хўжаевнинг амиксин Усмонхўжадан мерос қолган Ҳовли Поён мажмуаси танлангани ҳам муҳим аҳамиятга молик. Устоз олим, профессор Темур Хўжанинг айтишича, бир замонлар отаси айнан ўзи яшаган шу маҳобатли хонадоннинг иккинчи қаватида маҳалла болалари учун мактаб очган. Орадан бир асрдан ошқ вақт ўтди. Илм-маърифат масаласи ҳамон халқимиз учун долзарб.

Бу музей Бухоро шарифининг қадимий илм маскани мавқеини тиклаш мақсадида курашга жонларини тиккан зотлар хотира-сига улкан эҳтиром намунаси бўлиб хизмат қилиши табиий. Музей ўзида замонавийлик ва миллийликни мужассам этган дунёдаги жадидшунос олимларнинг ҳам, қалбда миллатимизга, ватанга муҳаббат ҳисси жўш урган ёшларимизнинг ҳам, эртаимиз эгаси болажонларимизнинг ҳам бирдай сеvimли масканига айланади.

Шундай қилиб, мустамлака бўлган Туркистонни жаҳолатга қарши курашиш, миллат шайнини ҳимоя қилиш орқали дунёнинг тараққий этган мамлакатлари сафида кўришни истаган аждодларимиз орузси бутун рўёбга чиқмоқда. Энди бизнинг — бутунги кунининг янги жадид эгалари зиммасида аждодларга муносиб бўлиши, она замонини асрай олиши, ўзи интилишларимиз, ислохотлардаги фаол иштирокимиз, ташаббускорлигимиз орқали уларга кимларнинг авлоди эканини аниқлашга шарофатли вазифа мавжудлигини унутмаслигимиз даркор.

Зеро, янги Ўзбекистон келажига билим, маърифат, тоза виждон, ҳалол меҳнат ва кучли салоҳият билан ҳисса қўиш учун ётарли куч ҳам, заковат ҳам, имконият ҳам бизда. Энг муҳими, бой меросга эга халқимиз.

GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАХЗУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

